

кодексида назарда тутиш зарурлиги қайд этилган. Ўтказилган таҳлилларга кўра, 2022 йилда 613,8 млрд. сўм товар айланмаси бўлган 9,5 мингта (2,4 минг жисмоний шахс томонидан ташкил қилинган) хўжалик юритувчи субъектлар ҚҚС ва фойда солиғини тўлашдан бўйин товлаш мақсадида, ўз бизнесини (қисмларга) бўлиш ҳаракатларини амалга оширганлиги аниқланди.

Хулоса ва таклифлар. Солиқ маъмуриятчилигини кучайтириш учун солиқ тўлашдан бўйин товлашни янада самарали аниқлаш ва олдини олиш учун солиқ маъмуриятининг

имкониятларини, кучини ошириш. Яширин иқтисодиёт билан шуғулланишга мойиллиги юқори бўлган тармоқлар ва шахсларга қаратилган рискга асосланган аудит ёндашувларини амалга ошириш зарур. Солиқ маъмуриятчилигини кучайтириш, солиқ тартиб-қоидаларини соддалаштириш, солиқ тўловчилар билимини ошириш ва қатъий жазо чораларини қўллаш орқали Ўзбекистон янада шаффоф ва адолатли солиқ тизимини яратиши мумкин. Бу эса даромадларни йиғиш ва иқтисодий ўсишнинг ошишига олиб келади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.С.М.Оленников. Квалификация уклонения от уплаты налогов по объективным признакам состава преступления. // Юридическая ответственность и ответственные юристы. 2017. №4. С.37-42.
2. С.А.Маковецкий, Е.А. Зарецкая. Уклонение от уплаты налогов: особенности преступления и наказания. Вестник института экономических исследований 2017, № 3(7) 156.
3. Kottke K. «Gryaznye» den'gi – chto ehto takoe? Spravochnik po nalogovomu zakonodatel'stvu v oblasti «gryaznyh» deneg. –М., 1998.
4. Л.И. Александрова. Основные особенности и проблемы выявления уклонений от уплаты налогов. // Актуальные проблемы правового регулирования. 2017. С.2.
5. Абдуллина А.Р. Представители как субъекты уклонения от уплаты налогов с организации // Научная перспектива. 2016. № 10. С. 37-38.
6. С.А.Маковецкий, Е.А. Зарецкая. Уклонение от уплаты налогов: особенности преступления и наказания. Вестник института экономических исследований 2017, № 3(7) 156.
7. Вачугов И.В. — Уклонение от уплаты налогов, как составляющая теневой экономики: рост или сокращение? // Налоги и налогообложение. – 2019. – № 6. – С. 42.
8. Уклонение от уплаты налогов. Проблемы и решения: монография для магистров, обучающихся по программам направления «Финансы и кредит» / И.А. Майбуров [и др.]; под ред. И.А. Майбурова, А.П. Кирегенко, Ю.Б. Иванова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2013.-с.383.
10. Ф.Б.Ахмедов Солиқ тўлашдан қочиш хавфларини аниқлашда замонавий фискал назорати такомиллаштириш: (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2023.
11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари. www.soliq.uz.
12. Нормурзаев, У. (2023). Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари тадбиркорликни тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш йўлари. <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/19032>
13. Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(1), 334–339. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51
14. Нормурзаев, У. (2023). Яширин иқтисодиётни камайтиришда солиқ органларининг аҳамияти. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 1(2), 215–221. Retrieved from <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/66>



https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a35

ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН РИСКЛАР ВА УЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ

Жўраев Беҳзод Нуралиевич -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Самарқанд филиали мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада туристик корхоналар молиявий таъминотини такомиллаштиришда юзага келадиган рискларнинг турлари, уларнинг даражалари ва уларни самарали бошқариш ҳусусида сўз боради.

Калит сўзлар: рисклар, молиявий риск, молиявий таъминот, пандемия, молиявий сиёсат, ликвидлик, рентабеллик, солиқлар.

РИСКИ ВОЗНИКАЮЩИЕ ПРИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ФИНАНСОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ТУРИСТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ И ИХ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Жураев Беҳзод Нуралиевич -

Независимый исследователь

*Самаркандского филиала Ташкентского
государственного экономического университета*

Аннотация. В статье говорится о видах рисков, их уровнях и эффективном управлении ими при совершенствовании финансового обеспечения туристских предприятий.

Ключевые слова: риски, финансовый риск, финансовое обеспечение, пандемия, финансовая политика, ликвидность, доходность, налоги.

RISKS ARISING FROM THE IMPROVEMENT OF THE FINANCIAL SUPPORT OF TOURISM ENTERPRISES AND THEIR EFFECTIVE MANAGEMENT

Juraev Bekhzod Nuralievich -

Independent researcher of the Samarkand branch of the

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article talks about the types of risks, their levels and their effective management while improving the financial support of tourism enterprises.

Keywords: risks, financial risk, financial security, pandemic, financial policy, liquidity, profitability, taxes.

Кириш. Сўнги йилларда дунё давлатлари иқтисодиётида юз бераётган турли хил ўзгаришлар давлатларнинг молия сиёсатини бошқаришда бир қанча инструментлардан фойдаланиш лозимлигини тақозо қилмоқда. Таъкидлаш лозимки, яқин даврларгача жаҳон иқтисодиётига жиддий таъсир ўтказган 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳақида сўз юритилар эди. 2019 йилга келиб эса дастлаб Хитойда бошланган кейинчалик бутун дунё давлатларини қамраб олган Covid-19 вирусининг тарқалиши кўплаб тараққий этган давлатлар қатори ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Албатта, бу каби глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари натижасида мамлакатлар молия бозорининг барча бўғинларига таъсир ўтказиши мумкин бўлган ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда риск менежменти механизмини самарали ташкил қилишлари лозим бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Бугунги кунда туристик корхоналар молиявий таъминотини такомиллаштиришда юзага келадиган рискларни ўрганиш туризм соҳаси субъектларининг самарали фаолиятида муҳим ўрин тутди. Бу борада бир қанча олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Хусусан Ҳ.Косчук, Т.С.Вилсонларнинг тадқиқотларида баён қилинишича туристик корхона молиявий таъминотини такомиллаштиришда юзага келадиган асосий риск бу молиявий барқарорликни йўқотилиши risksи ҳисобланади. Молиявий барқарорликни йўқотиш riskини фасет классификатори орқали таснифлаш юқори самара беради. Фасет классификаторлари ҳодисаларнинг таснифланган моҳиятини икки да-

ражали иерархик тузилма билан моделлаштиради: биринчи даража F қирралари тўплами билан тавсифланади, иккинчи даража эса A атрибут-тоифали кичик тўпламлар гуруҳи билан тавсифланади. Фасетли тасниф ёрдамида молиявий барқарорликнинг кутилаётган хавфини аниқлаш ва унга таъсир этувчи сифат хусусиятларини аниқлаш мумкин. Саноат корхоналарида ушбу таснифни қўллаш анча мушкул, мазкур усулни асосан хизмат кўрсатиш субъектларида қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади[1].

Тадқиқотчи олим И.Бланк молиявий таъминотни такомиллаштиришда юзага келадиган рисклар гуруҳини тавсифлаганда уларнинг қуйидаги гуруҳларини ажратиш кўрсатишни таклиф қилди:

I. Турлари бўйича:

- капиталнинг номукамал тузилиши билан боғлиқ риск (қарзга олинган маблағлардан нотўғри фойдаланиш);
- активларнинг паст ликвидлиги билан боғлиқ тўловга лаёқатсизлик risksи;
- инвестиция risksи (инвестиция фаолияти билан боғлиқ кутилмаган молиявий йўқотишлар);
- бошқа рисклар: инфляция, фоиз ставкаси, валюта, кредит, солиқ, сиёсий.

II. Объектлар бўйича:

- индивидуал молиявий операция risksи;
- ҳар хил турдаги молиявий фаолият risksи;
- корхонанинг умумий молиявий фаолияти risksи[2].

Д.В.Шамин корхонанинг молиявий таъминотни такомиллаштиришда юзага келадиган рискларни қуйидагича таснифлашни таклиф қилди: иерархик даражалари (каскад, тизим ва

фавқуллода) бўйича ва молиявий жиҳатдан ўзини ўзи қопланиш даражасига қараб таснифлаш[3].

Рискларни бошқариш соҳасидаги етакчи олимлардан бири Н.В.Хохлов корхона фаолиятига таъсир қилувчи рисклар таҳлилини объектнинг тузилиши, хусусиятлари ва мавжуд хатарлар тўғрисида зарур маълумотларни олишга қаратилган дастлабки босқич сифатида белгилайди. Тўпланган маълумотлар кейинги босқичларда зарурий қарорлар қабул қилиш учун етарли бўлиши лозим деб ҳисоблайди[4].

Ю.Ю.Киневнинг фикрича туристик хизматлар секторининг асосини кичик корхоналар ташкил этишини инobatга олган ҳолда корхона молиявий фаолиятига таъсир қилувчи рискларни баҳолашни босқичларга ажратиб ўрганишни таклиф қилади[5].

П.Половинкин ва А.Зозулюкларнинг фикрича корхона молиявий фаолиятига таъсир қилувчи рискнинг энг аниқ таърифи тадбиркорнинг қўшимча фойда олиши учун унинг индивидуал имкониятлардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуида акс этади [6].

Р.М.Качалов томонидан берилган таърифга асосан риск бу – иқтисодий фаолият мақсадидан исталмаган оғиш ҳолатининг ўлчовини ва ушбу оғиш натижасида етказилган йўқотишлар миқдорини биргаликда акс эттирадиган умумлаштирувчи, сунъий иқтисодий категориядир [7].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида туризм корхонаси молиявий таъминотни такомиллаштиришда юзага келадиган рискларнинг турлари, уларнинг корхона самарали бошқарувига таъсири ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилди.

Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, синтез каби усуллардан самарали фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Туридан қатъий назар рискларни бошқаришдан кўзланган мақсад келгусидаги рискларни олдиндан кўриш ва кутилаётган йўқотишларнинг олдини олиш ёки камайтиришдир. Риск менежменти туризм корхонаси фаолиятида асосий йўналишлардан биридир. Жадал ривожланиб бораётган ишбилармонлик муҳитига мослашиш учун туризм корхоналари андеррайтинг ва нархларни бошқаришни яхшироқ қўллаб-қувватлаш ҳамда инвестицион рискларнинг олдини олиш учун маълумотларни таҳлил қилишнинг янада такомиллаштирилган воситалари ва технологияларини ўз ичига олган ҳолда ички рискларни бошқариш амалиётини жорий қўйишлари зарур. Бугунги кунда туризм корхоналари фаолиятида мавжуд рисклар номувофиқ ички жараёнлар ёки баъзи

бир бошқариш мураккаб бўлган ташқи омиллар натижасида келиб чиқадиган жараёнлар натижасида юзага келмоқда.

Бу борада молиявий рисклар туристик корхона рискларининг умумий портфелида энг муҳими ҳисобланади, мазкур рискларни бошқариш уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва сақлашнинг муҳим омили ҳисобланиши билан бир қаторда корхона стратегик ривожланишининг турли жиҳатларига сезиларли таъсир кўрсатади[8].

Молиявий рисклар туристик корхонанинг молиявий барқарорлигига сезиларли даражада салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган рисклар тоифасидир. Мазкур рискларни тўғри баҳолаш ва бошқариш корхона молиявий барқарорлигини таъминлашнинг самарали усули ҳисобланади. Бунда ташқи молиявий рисклар қаторига бир қанча молиявий рискларни киритишимиз мумкин, хусусан, давлатнинг молиявий сиёсати ва мамлакатдаги макроиқтисодий вазият билан белгиланадиган инфляцион ва дефляцион рисклар, валюта рисклари, давлатнинг фискал сиёсати билан боғлиқ бўлган солиқ рисклари ва ҳоказо келтиришимиз мумкин. Молиявий рисклар ташқи муҳитнинг корхоналарга нисбатан ноаниқлиги туфайли объектив асосга эга ҳисобланади. Туризм корхоналарига хос бўлган молиявий рискларнинг намоён бўлишининг алоҳида ҳолатлари қуйидаги жадвалда келтириб ўтилган.

Таъкидлаш лозимки, 1-жадвалда келтирилган барча молиявий рисклар туристик корхонанинг молиявий барқарорлиги ҳолатига сезиларли таъсир қиладиган рисклар деб ҳисоблаймиз. Юқоридаги молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш қобилияти корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишнинг самарали усули ҳисобланади. Бу борада молиявий рискларни ташқи ва ички молиявий рискларга бўлиб ўрганилади. Ташқи молиявий рисклар қуйидагиларни ўз ичига олади: давлат молиявий сиёсати ва мамлакатдаги макроиқтисодий вазият билан белгиланадиган инфляция ва дефляция рисклари, молия бозорига хос бўлган фоиз ва валюта рисклари, давлатнинг фискал сиёсати билан боғлиқ солиқ рисклари. Ички молиявий рискларга ликвидлилик кўрсаткичларининг пасайиши (тўловга лаёқатсизлик) риски, айланма рисклар, ташкилий рисклар, рентабеллик кўрсаткичларининг пасайиши риски, кредит рисклари, инвестицион рисклар ва ҳоказолар киради[9].

Узоқ муддатли истиқболда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим воситаси бу корхонанинг рискларни бошқаришга доир чора-тадбирлар мажмуидир.

Туристтик корхоналар фаолияти билан боғлиқ молиявий рисклар турлари

Инфляцион	Молиявий барқарор-ликнинг пасайиши	Кредит	Дефляцион
-туристик корхоналарнинг кутилаётган даромадлари ва фойдаларининг камайиши; - корхона капитали реал қийматининг пасайиши; - туристлар даромадининг пасайиши	- капитал тузилишининг номукамаллиги (туризм корхоналари фаолиятида фойдаланиладиган қарз маблағларининг кўп миқдорда бўлиши); - банкротлик хавфининг юқори бўлиши;	- кўрсатилган туристик хизматлар учун ҳақ тўланмаслиги ёки кечикиб тўланиши; - кредит тўловларини кечиктириш, пенялар ҳисобланиши;	- нарх даражасининг пасайиши; -туризм соҳасида бизнес юритиш учун иқтисодий шароитларнинг ёмонлашиши ва даромадларнинг камайиши
Ликвидликнинг пасайиши(тўловга лаёқатсизлик)	Фоизли	Солиқлар билан боғлиқ	Рентабелликнинг пасайиши
- айланма маблағлар ликвидлигининг пасайиши; - мутлақ жорий, тез ликвидлик.	- қимматли қоғозлар бозорида бозор фоиз ставкасининг ўзгариши; - акциялар бўйича дивидендларнинг ўзгариши; - капитал қўйилма турларини нотўғри танлаш ва ҳоказо.	- солиқ ставкаларини ошириш, янги солиқ ва йиғимларни жорий этиш билан солиқ юкининг ортиши; - солиқ имтиёзларининг камайирилиши, берилган солиқ имтиёзларини бекор қилиниши; - солиқ ва молиявий режалаштиришдаги хатолар.	- оддий фаолиятдан олинган фойда; - сотув; - ўз капитали.
Инвестицион	Валюта	Айланма билан боғлиқ	Ташкилий
- инновацион, реал, молиявий (портфел инвестициялари) хавфи.	- тўлов валютасига нисбатан валюта нархининг ўзгариши билан боғлиқ валюта йўқотишлари.	- ўз айланма маблағларини камайтириш; - дебиторлик ва/ёки кредиторлик қарзларининг айланиш даврининг кўпайиши	- туристик корхона ишини ташкил этишдаги камчиликлар; - самарасиз бошқарув; - ишчилар малакасининг етарли эмаслиги.

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Туристтик корхонада рискларни бошқаришни ташкил этишда бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: молиявий барқарорликни ошириш, фойдани режалаштириш, йўқотишларни камайитириш,

солиқ тўловларини оптималлаштириш, кредит қобилиятини ва инвестицион жозибадорлигини ошириш, рақобатбардошликни ошириш ва бошқалар[10].

Туристтик корхоналарда рискларни бошқариш тузилмаси

Молиявий барқарорликнинг стратегик бошқаруви	Молиявий барқарорликнинг пасайиши рискини бошқариш	Рискларни таҳлил қилиш	Рискларни минималлаштириш усуллари
-туризм хизматлари бозорининг жадал ривожланиши шароитида молиявий барқарорлик стратегияси мақсадларига эришиш мониторинги ва назорати	-молиявий барқарорликни пасайиши рискини бошқариш учун мақсадларни белгилаш	-рискларнинг барча жиҳатлари бўйича маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш	-рискларни минималлаштириш ёки уларни йўқ қилиш усуллари ишлаб чиқиш (булар: олдини олиш; маҳаллийлаштириш; чеклаш; диверсификатсия қилиш; суғурта қилиш, молиявий ресурсларни захиралаш ва бошқалар).
-барча даражадаги менежерларнинг молиявий барқарорлик стратегиясини амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш	-стратегия доирасида корхонанинг имкониятлари ва эҳтиёжларини аниқлаш	-сифатли риск таҳлили (кутилаётган рискларнинг турларини аниқлаш)	-туризм корхоналарининг рискларини минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш (рискни камайитиришнинг маълум бир усулидан фойдаланишдан кутилаётган самарани қиймат жиҳатидан таққослаш ва рискнинг катталиги, таҳлил қилиш вақтини белгилаш, масъул шахсларни тайинлаш ва бошқалар).
-молиявий барқарорликка таъсир қилувчи асосий омилларнинг стратегик таҳлили		-ҳар хил усуллардан фойдаланган ҳолда миқдорий риск таҳлили: статистик ва аналитик таҳлил, эксперт баҳолаш, сценарий яратиш	-туризм корхоналари фаолияти учун вазифаларни вақт ва шароитларга мослаштиришни ҳисобга олган ҳолда рискларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш.
-туризм хизматлари бозори фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, стратегияни ишлаб чиқиш.		-рискли ҳодисаларнинг юзага келиш эҳтимоли ва оқибатларини ўрганиш	

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Демак, рискларни бошқариш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади: корхонанинг стратегик мақсадларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, риск омилларининг намоён бўлиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг мумкин бўлган зарари ва оқибатларини баҳолаш, хавф даражасини пасайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини пасайтирувчи рискларни бошқариш стратегик бошқарув тизимининг таркибий қисми бўлиб, туристик корхонанинг молиявий барқарорлигини ва унинг пасайиш хавфини бошқариш схемаси шаклида амалга оширилади (2-жадвал).

Хулоса. Тадқиқотимиз давомида биз корхонанинг молиявий таъминотини такомиллаштиришда юзага келадиган рискларнинг асосий

хавфли йўналишларини аниқладик, бу бизга хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиши ва фаолиятининг ҳар бир босқичида барқарорлиги ва ишончлилигини йўқотишига олиб келадиган операцияларнинг даражасини баҳолаш имконини беради.

Корхоналар молиявий таъминотини такомиллаштиришда юзага келадиган рискларни таснифлашда хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганиш орқали ушбу рискларни гуруҳлашни, қолаверса мазкур рискларни бошқариш бўйича ўз нуқтаи назаримизни баён қилдик. Шу ўринда юқорида туристик корхона самарали фаолиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи туристик корхонада рискларни бошқариш схемаси тузиб чиқилди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Koschyk H., Wilson T.C. Principles for dealing with financial stability risks // *Journal of risk management in financial institutions*. 2013. № 2. 129-136 б.
2. Blank I. A. *Управление финансовыми рисками*. Киев: Ника-Центр, 2005. 600 б.
3. Шамин Д.В. Анализ методики финансовой устойчивости предприятия на основании определения уровня толерантности к рискам // *Интеграл*. 2013. № 1-2. 62-64 б.
4. Хохлов Н.В. *Управление риском: Учеб. пособие для вузов*. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. - 34 б.
5. Ю.Ю. Кинев. *Конкурентное право: учебник / М.: Юстицинформ*, 2018. - 73 б.
6. П.Половинкин, А.Зозулюк. *Предпринимательские риски и управление ими (теоретикометодологический и организационный аспекты) / // Российский экономический журнал*. - 1997. - № 9. - 72 б.
7. Р.М.Качалов. *Управление хозяйственным риском*. –М.: Наука, 2002 – 83 б.
8. Allen S. *Financial risk management: a practitioners guide to managing market and credit risk*. Hoboken, N. J.: Wiley, 2013. 579 б.
9. Бозко В.П., Балчев С.Ю., Батьковский А.М. ва бошқалар. *Управление финансовой устойчивостью предприятия // Экономика, статистика и информатика. Вестник УМО*. 2013. № 4. 36-41 б.
10. Эмбулаев В. Н., Дегтярева О. Г. *Системный подход как метод изучения рисков ситуации // Территория новых возможностей. Вестник Владивостокского государственного университета экономики и сервиса*. 2013. № 1. 96-105 б.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ХУСУСИДА



[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a36](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a36)

Содиқов Нариманжан Собирович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази
мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада профессионал таълимни молиялаштириш манбалари таҳлили ўрганилган, хорижлик иқтисодчи олимларнинг таълимни молиялаштиришга оид фикрлари баён қилинган. Шунингдек, профессионал таълимни молиялаштиришнинг бузунги кундаги долзарблиги, унинг мамлакат иқтисодиётига таъсири борисида муҳокамалар олиб борилиб, хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: таълим, профессионал таълим, молиялаштириш, хайрия, грант, иш берувчи, давлат бюджети.

К АНАЛИЗУ ИСТОЧНИКОВ ФИНАНСИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Содиқов Нариманжан Собирович -

Независимый научный сотрудник научно-исследовательского центра
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при
Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье изучен анализ источников финансирования профессионального образования, изложены мнения зарубежных экономистов относительно финансирования образования. Также были проведены обсуждения и сделаны выводы относительно актуальности финансирования профессионального образования, его влияния на экономику страны.

Ключевые слова: образование, профессиональная подготовка, финансирование, пожертвование, грант, работодатель, государственный бюджет.